

O'ZBEKISTON



NOVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 4-noyabr • Shanba • 131 (27.622) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ



чиқариши мумкин.

Тўрткўл туманидаги бизнес-инкубатор раҳбари Х.Қодировнинг бу ерга келишдан кўзлаган мақсади тақлиф этилаётган технологиялар ҳақида кўпроқ маълумот олиш. У уйга қайтгач, кишлоқ тадбиркорлари учун семинарлар ўтказди, у ёки бу ускуналарнинг афзалликларини, уларни сотиб олишдаги имтиёزلар ҳақида сўзлаб берди. Чунки кўрғазма 10 ноябрдан мунтазам фаолият кўрсата бошлайди.

Абдугани СОДИҚОВ
Суратлар: кўрғазмадан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар



Шу кунларда Тошкентдаги «Узкселмарказ» павилонлари республикамизнинг турли вилоятларидан келган фермерлар ва тадбиркорлар билан гаўжум.

Бу ерда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган кишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва илм ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда. Кўрғазмада иқтисодийнинг етакчи тармоғи учун илгор технологиялар тақлиф қилинмоқда. Шу боис ҳам унга қизиқиш катта.

— Биз пахта, ғалла етиштиришимиз, чорвачилик билан шуғулланамиз. Кўрғазмада биринчи кун бўлишим, ўзим учун Германиянинг «Egon Kelle GmbH & Co» фирмаси ишлаб чиқарган ёғ ажратадиган линияни лизинг компанияси ёрдамида сотиб олмақчиман, — дейди Қоракалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Ф.Искандаров. — Ҳамкасбарим ҳам Тошкентдан қуруқ қўл билан қайтмайди. Бундай кўрғазмада иштирок этиш ўзимиз учун керакли ускуналарни нафақат томоша қилиш, балки харид қилиш учун катта имкониятдир.

Ушбу кўрғазманинг ўтказилиши фермерлар ва бошқа соҳа вакиллари учун улкан имкониятлар эшигини очди. Энди улар республикамизнинг энг олис туманларида ҳам жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб

ЎЗАРО МУСТАҲҚАМ ИШОНЧ — МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 3 ноябрь куни амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди

Тили ва дини бир, тарихи умумий ва маданияти муштарак бўлган Ўзбекистон ва Қозғоғистон халқлари азалдан бир-бири билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Яхши қўшничилик муносабатлари биз учун тарих тақозоси ва аждодларимиздан қолган бебаҳо меросдир. Биз бир дарёдан сув ичамиз.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Қозғоғистоннинг бир-бирига таяна ва суянч бўлиб яшаши янги мазмун касб этди, ўзаро ишончли ва манфаатли алоқалар ривожланди, юқори босқичга кўтарилди. Марказий Осиёнинг равнақида, минтақа барқарорлигида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Қозғоғистон раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама қилиб бориши мамлакатларимиз ва минтақамиз манфаатларига, замон талабларига мос бўлган ибратли амалиётдир.

Жорий йилда Ўзбекистон — Қозғоғистон муносабатларида катта ўзгаришлар рўй берди. Ислон Каримовнинг Қозғоғистонга, Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифлари амалга ошди. Президентларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммитлари доирасида бир неча бор учрашдилар.

Шу йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Қозғоғистон саммитида мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилинди. Сентябрь ойи бошида ўтган Остона саммитида бу келишув расмийлаштирилди — протокол имзоланди. Шу тариқа Президентларнинг келишувларини ҳаёти жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг нобҳ механизми яратилди.

3 ноябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг норасмий учрашуви бўлди. Одатда норасмий саммитда қатъий белгиланган кун тартиби бўлмайдиган, мулоқот янада эркин, очкичлик ва ишанчлик руҳида ўтади.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон — Қозғоғистон муносабатларига, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани яна бир бор қайд этилди. Томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга қарашлари бир хил ёқда яқинлиги таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара самарали кенгандан мамнуни билдириб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Мазкур учрашув Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг илк мажлиси деб аталди.

— Ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилдик, — деди

Ислон Каримов. — Қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиб, уларга нисбатан умумий ёндашувларимизни баён қилдик.

Музокарада Қозғоғистон Президенти ўзининг АҚШга ташрифи якунлари билан Ўзбекистон раҳбарини таништиришни маълум қилди. Шу билан бирга, Афғонистон, Ироқ ва Эрондаги вазият юзасидан фикр алмашилган. МДҲ саммитига тайёргарлик, уни ислоҳ этиш борасидаги ёндашувлар муҳокама қилинган. Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилиши кераклиги хусусида Президентларнинг фикри бир жойдан чиққан.

Нурсултон Назарбоев жорий йилда Ўзбекистон ва Қозғоғистон ўртасида давлат ташрифлари бўлиб ўтганини, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бу йил 30 фоиз ўсишини таъкидлади.

— Тўққиз ой якунларига оид кўрсаткич 450 миллион АҚШ долларидан ошди, — деди олий мартабали меҳмон. — Биз йиллик товар айланмаси ҳажмини бир миллиардга чиқариш ниятидамыз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳукумат органларига тегишли топшириқлар беришга қарор қилганларини таъкидладилар. Хусусан, чегарага туташ ҳудудларда савдо шохобчаларини очиб, улар фаолиятининг ҳужқўй жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдонини янада ривожлантиришга келишиб олинган. Эркин савдо тартибидан истисно қилинган маҳсулотлар рўйхатини қисқартириш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу ҳам товар айирбошлаш ҳажмини янада орттиришга хизмат қилди.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев сўздан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилишнинг таъкидладилар.

Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчи-хоналарга ҳарбий маслаҳатчи (аташе) тайинлашга, кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олингани маълум қилинди. — Биз келгусида ҳам шундай учрашувлар ўтказиб турамыз, — деди Ислон Каримов. — Ўзаро мулоқотга эҳтиёж туғилса, муайян жойда учрашиб, мавжуд муаммони мана шундай музокара орқали тезкорлик билан ҳал қилишга тайёرمىз. Бу каби амалиёт халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда, ўзаро ишончли мустаҳкамлашда, муайян масалаларга нисбатан умумий ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

— Биз буюк қўшниларимиз, — деди Нурсултон Назарбоев. — Лекин ўзаро келишиб ечилиши лозим бўлган масалалар пайдо бўлиб туриши ҳам табиий ҳол. Шу боис ташқи ишлар вазирларига мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш тўғрисида топшириқ бердик.

Ўзбекистон ва Қозғоғистон Президентларининг ушбу баёнотлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ва ҳар қил мамлакат манфаатларига мос ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА муҳбири

• ЎзХДП ҳаёти

АМАЛИЙ ИШЛАР ВА ТАШАББУС УЙФУНЛИГИ

Ўзбекистон ХДПнинг Навоий вилоятидаги кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари партия Дастурида белгиланган ижтимоий устувор вазифаларни қай даражада бажармоқда? Ташаббускорлик қандай? Кунчи кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши пленумида ушбу масала жиддий муҳокама этилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Буломов асосий маъруза билан чиқди. Маърузада таъкидландики, 2006 йилда илгорларнинг ижтимоий йўналишларига эътибор янада кучайди. Бу эса партиямиз электроти манфаатларига жавоб беради. Зеро, Ўзбекистон ХДП Дастурининг асосий сиёсий устуворликларини ҳам шу мақсадга қаратилган. Бу эса ХДП кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан мазкур масалаларни ҳал этишда масъулият билан иштирок этишни талаб этади.

Тахлиллар Навоий вилоятида аҳолининг табиий газ ва марказлашган тартибда ичимлик суви билан таъминлашда баъзи камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бориб келиш анча қийин ва аҳолисининг сони кам бўлган кишлоқларни

ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида муқобил сув манбаларини вужудга келтириш Навоий вилоятида ечилиши зарур бўлган масалалардан биридир.

Бундан ташқари Халқ депутатлари тегишли Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари мамлакат Президенти томонидан 2006 йилга тасдиқланган Давлат инвестиция дастурига мувофиқ, Навоий вилоятига юборилган марказлашган сармоялардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги устидан мониторинг ташкил этишга, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вилоятда бошқа ижтимоий муҳим қарорларнинг бажарилиши бўйича ҳам мониторинг ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга зарурат бор. Чунки, Навоий вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашда мамлакатда энг юқори кўрсаткичга эришилган бўлишига қарамай бу ердаги меҳнат бозорига янги иш ўринларига муайян эҳтиёж кузатилмоқда.

Шу муносабат билан ХДП депутатлар корпуси вилоятда янги иш ўринларини яратиш масалаларига эътиборини кучайтириши зарур. Депутатларимиз тегишли

Кенгашлар орқали бу муаммони ҳал этиш билан шуғулланар эканлар, мамлакат Президенти халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилоят Кенгашлари сўнгги сессияларида кўрсатиб ўтган имкониятлар — кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш, кишлоқ жойларида хозирги замон хизмат кўрсатиш тармоқларини яратиш, тоғолди ва чўл зоналарида чорвачиликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ижтимоий масалаларни ҳал этишга фаол таъсир кўрсатиш учун партиямизнинг Навоий вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги вакилларининг имкониятлари етарлидир. Вилоятдаги ташкилотларимиз маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизга таянган ҳолда электротаримиз манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий масалаларни ҳал этишга ўтиши, Президент қабул қилган қарор ва Фармонлар, мамлакат қонунилари бажарилиши зарур.

Муҳокамаларда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Б.Қосимов, Навоий вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси М.Адилова, Навоий

Давлат кончилик институти ўқитувчиси, Зулфия номидаги давлат муқофоти лауреати М.Темирова, «Қамолот» ЁИХ Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Б.Тожиёв, Навоий шаҳар Индустриал касб-ҳўнар коллежи директори, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари И.Ортиқов, Навоий шаҳар 8-сон ўрта мактаб ўқитувчиси Э.Ҳамидуллолар маърузада қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган фикр-мулоҳаза ва тақлифларини билдиридилар.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси эътиб, вилоят ҳокимлиги аппаратида ишлаб келган **Баҳодир Норов** сайланди.

Шу кунлик Ўзбекистон ХДП МК раисининг ўринбосари Изидор Қочмарик Навоий вилоятидаги Ўзбекистон ХДП кенгашлари раҳбарлари иштирокида 2006 йилда бўлиб ўтган ЎзХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш якунлари ҳамда партияни ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалалари юзасидан амалий семинар ўтказди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАҲОН ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан жаҳоннинг кўплаб илм-фан, маданият ва таълим марказлари вакилларидан, давлат ва жамоат арбобларидан табрик хатлари келиши давом этмоқда.

Россия Федерацияси таълим вазири Андрей Фурсенковнинг мактубида қуйидаги сатрлар бор:

— Хозирги замон цивилизациясининг гуманитар асосини шакллантиришга улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий каби буюк олимлар иш олиб бораган яхши маълум. Уларнинг илм-фаннинг турли соҳаларидаги кўп қиррали фаолияти натижасида инсоният табиат, жамият ва фаннинг фундаментал қонуниларини билиш борасида улкан қадам ташладилар.

Маъмун академияси дунё фани солномасига номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган ўрта аср Шарқи олимларини етиштирган йирик марказга айланди.

Россия ва Ўзбекистон Маъмун академияси аъёналарини давом эттириб, турли соҳалар бўйича олим ва мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни тобора кенгайтириб бормоқда. Утган йилнинг июнида имзоланган Касб таълими соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим бунга яна бир мисол бўла олади.

Сизни ушбу шонли сана муносабати билан яна бир бор табриклайман ва Маъмун академиясида янги кашфиётлар, янги гоғлар туғилиши ҳамда янгидан-янги олимлар камол топишини тилаб қоламан.

Россия Фанлар академияси президенти Ю.Осипов давлатимиз раҳбарига йўлаган мактубида Хоразм Маъмун академиясининг цивилизация тарихидаги роли ва ўрни ҳақида алоҳида тўхталади:

— Шу кунларда 1000 йиллиги кенг нишонланаётган Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиш тарихи ва фаолияти — ўзбек халқининг жаҳон фанига, хозирги замон цивилизациясини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссасининг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон ўзининг бой илмий, маданий ва маънавий салоҳияти билан доимо оламни лол қолдириб келган. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий каби буюк олимлар фаолият олиб бориб, жаҳон фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди.

Фаннинг кўп соҳалари, жумладан, математика, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология, тарих, сиёсат, филология, фалсафа, мангик, ҳуқуқшунослик ушбу илм даргоҳи туфайли сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Маъмун академиясини нафақат Шарқ, балки бутун инсоният илмий тафаккурини тараққий эттиришга, давлатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар, миллатлар ва динларга мансуб олимлар ўртасида дўстлик ришталарини бонлашга хизмат қилди.

Россия ва Ўзбекистоннинг илмий даргоҳлари ана шу мингйиллик аънани давом эттириб, фаол ҳамкорлик қилаётгани, илгор гоғларга асос-

ланган ҳолда, биргаликда тадқиқотлар олиб бораётганини таъкидлашдан мамнуман.

Ишончим комилки, муҳтарам Ислон Абдуғаниевич, буларнинг барчаси Сизнинг мамлакат илмий салоҳиятини юксалтириш, бутун инсоният маънавий ҳазинасига салмоқли ҳисса қўшган ўзбек халқининг улкан маданий ва илмий меросини сақлаш ҳамда бойитишга қаратаётган алоҳида эътиборингиз натижасидир.

Малайзия Фанлар академияси президенти Аҳмад Захаруддин Идрис шонли сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга юборган табриғида шундай деб ёзади: — Сизга Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Малайзия Фанлар академияси номидан табрик йўллаш мен учун катта шарафдир.

Бу сананинг нишонлиниши муҳим воқеа бўлиб, у ўзида инсоният цивилизацияси тарихида улкан из қолдирган Ўзбекистон бой илмий ва маданий меросини яна бир бор намоён этади.

Ишонимизки, Хоразм Маъмун академиясида бундан буён ҳам жаҳоннинг илгор олим ва тадқиқотчиларини жалб этиш борасидаги ишлар изчил давом этади. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлодларни тарбиялаш ишида мазкур илм даргоҳининг ўлмас меросидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

O'zbekiston havo yo'liari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Халқлар аниқликка солиш

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Халқлар аниқликка солиш

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz
Халқлар аниқликка солиш

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Халқлар аниқликка солиш

● 2006 йил — «Хомийлар ва шифокорлар йили»

«ЧОРТОҚ» СИХАТГОҲИ: ШУҲРАТИНИ ТИКЛАЁТГАН МАСКАН

Табиатнинг мўъжизкорлиги ни ҳар қанча таъриф тавсиф этсак кам. Аммо бир ҳақиқат шуки, агар ҳар қандай неъмат инсон ақли, илму заковати билан меъёрга солинмаса, фойдадан эиёнга, ҳимматдан иллатга айланиши мумкин. Мамлакатимиздаги маъданли сув ва шифобахш лой билан даволов-

олувчилар сони кескин камайди. Раҳбарларнинг тез-тез алмашиши ҳам умумий аҳволга таъсир қилмай қолмади.

— Раҳбарга кўп нарса бoғ-лик-да, — дейди **санаторий касаба уюшма кўмитаси раиси Шарифжон Усмонов**. — Бош врач Шамсиддин Абдуназаровнинг ташаббуси, саъй-

жуда асқотди. Бугунга келиб 37 гектар майдонни эгаллаган, 400 ўринли шифо масканимиз мунтазам фаолият кўрсатувчи гўшага айланди.

Бош шифокорнинг айтишича, янги ташкил этилаётган ёрдамчи хўжалиқда сут-қатик, тухум етиштириш мўлжалланаётган экан. Бу энг камиди 15 та янги иш ўринлари яратилди, дегани.

22 нафар врач, 60 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходими сикдидилдан хизмат қилаётган сикҳатгоҳда даволаш самарадорлиги 98-99 фоизни ташкил этаётгани таҳсинга сазовор. Бунга комплекс муолажа — минерал сувлар, сунъий шифобахш балчик, пархез таомлар, физиотерапевтик омиллар асос бўлмоқда. Сўлим манзара, мўътадил ҳаво, иқлим мусофоллиги аҳил жамоанинг изланишлари, саъй-ҳаракатларидан сайқал топиб,

трий-кальций, азот ва радон газидан бўлган маъданли сув ванналарини чиндан ҳам илоҳий неъмат.

Дарвоқе, шифокорларнинг айтишича, ванна бериш учун қўлланиладиган сувнинг бир литрида 44,6 грамм инсон организм учун фойдали, шифобахш туз мавжуд. Сикҳатгоҳнинг 32-кудуғидан олинадиган сув ўз хусусиятларига кўра, машҳур «Трусковец» санаторийсида қўлланилаётган шифобахш сувга жуда ўхшаш. Бу сув ичиш, ошқозонни ювиш учун ишлатилади. Сикҳатгоҳда, шунингдек, балчик, физиотерапевтик муолажалар, нина, лазер нури, айниқса, республикамизда ягона усул бўлган умурткаларни сув остида тик тортиш муолажаси қўлланилиши даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.



чи биринчи муолажа маскани бўлган «Чортоқ» сикҳатгоҳининг ўзига ҳоз тарихига назар ташласак, шундай ҳулосага келиш мумкин.

Таркибида мис, олтингургурт, темир моддалари бўлган маъданли сувни нефть кўдирув-бургулаш мутахассислари бундан роппа-роса 60 йил муқаддам Чортоқсой водийсидан топишганди. Ер қаъридан отилиб чиққан иссиқ, шўр сув таркиби ўрганилиб, унинг шифобахш хусусиятлари тадқиқ қилинганга қадар орадан ўн йил ўтди. Даволаш муолажа ишлари олиб бoришга киришилди, зарур шартлар яратилишига яна йиллар керак бўлди.

Бугун энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўп тармоқли, мукамал даволаш-таҳқиқ базасига эга бўлган «Чортоқ» сикҳатгоҳи бoзор иқтисодийётига ўтишининг ўзига хос синовлари жараёнида бир қадар қийинчиликларни бошдан кечирди. Айниқса, ижтимоий шароитларнинг оксоқлиги сабаб қишки мавсумда дам

харакати билан кейинги йилларда бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Энг муҳими, қишқа мuddатда даволаш масканимизнинг ишчи-хизматчилар иш ҳақидан бўлган қарздорлиги барҳам тоғди. Бунда Курортлар бошқармасининг ҳам катта ҳиссаси бор, албатта.

— Ишни сикҳатгоҳ майдонидан самарали фойдаланишдан бошладик, — дейди **бош шифокор Шамсиддин Абдуназаров**. — Ўйлаб кўрсам, сикҳатгоҳни молиявий жиҳатдан оқсатиб қўйган нарса — озик-оқат маҳсулотларнинг бари бoзордан сотиб олингани бўлиб чиқди. Ўз имкониятимиздан фойдаланиб, сикҳатгоҳ ер майдонига пиёз, картошка экдик. Яқинда қўриб ишга туширган иссиқхоналаримизда боддинг, помидор етиштиришни йўлга қўйдик.

Сикҳатгоҳда Республика касаба уюшмалари федерацияси ёрдами билан 24 ўринли корпус барпо этилди. Бу ишларда, албатта, ходимларнинг, айниқса, бош ҳисобчимиз Аълохон Дадабоевнинг билим-маҳорати



мўъжизавийлик касб этмоқда.


Ўнлаб дам олувчилар билан сўхбатлашганимизда, сикҳатгоҳдаги шароитлар, муолажалар сифатидан, шифокор ва хизматчиларнинг ҳўшумомалигини тўлқинлиб гапирди.

— 13 йилдан бўён ҳар йили шу ерда даволаниб, ҳордик чикараман, — дейди **Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Комил Окитов**. — Таркибида йод, бром, хлорид, на-

Бугунги кунда энг машҳур сикҳатгоҳлар билан беллашишга чоғланаётган шифо маскани тадбиркор раҳбар, аҳил жамоанинг интилишларидан оро топиб, ўз шуҳратини тикламоқда.

НОСИРЖОН ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратларда: «Чортоқ» сикҳатгоҳи фаолиятдан лавҳалар.

● Таҳририятимиз меҳмони



ЎЗ ЮРТИМДАН, ЎЗ СОЗИМДАН ҚЎЙМАСИН

дейди «Нихол» мукофоти совриндори, хушовоз хонанда Хулкар АБДУЛЛАЕВА

— **Дунёда халқ кўп, мамлакат кўп. Ҳар бир халқнинг ўз маданияти ва санъати бор. Шунингдек, ўзбекининг ҳам. Айниқса, Хоразм санъати ўзига хос жозибадорликка эга. Нега шундай? Бунинг сабабларини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?**

— Аниқ айтолмайман, лекин хоразмликлар табиатан кувноқ, гайратли, завқли... Қайда кулгоғига наво эшитилса, шу кўйга мос ҳаракат қилиб, рақсга тушиб кетишди. Шу боис Хоразм санъати сехрли, кўйлари ва кўшиклари тингловчининг ич-ичига, қалбига кириб боради. Билмадим, бунда менга тушунарли бир мўъжиза бордир.

— **Бизга маълумки, сиз фаолиятингизни раққосликдан бошлагансиз. Айтингчи, хонанда бўлишингизга нима сабаб бўлди?**

— Отам — уста санъаткор. Бу соҳага ихлол қонимда бор. Мен отамга қизиқиб 3-синфдан бошлаб Урганч шаҳридаги рақс тўғарагига қатнай бошлаганман. Рақс-ни болалигимдан севиб келаман. Фақат рақс билан чегараланиб қолмаганман, лапар йўналишида ҳам ижод қилганман. Лапар йўналишида ҳам кўшиқ айтиш керак, ҳам шу кўшиқ охангига рақс туша билиш зарур. Бу анча мураккаб жанр.

Хозирги кунда лапар ва эстрада йўналишида ижод қилиб келмоқдаман.

— **Сиз шу пайтгача миллий мумтоз кўшиқлар куйлаганмисиз?**

— Куйлаганман. Хозир ҳам мумтоз кўшиқ айта оламан. Бу борада менга отам Фарҳод Абдуллаев, устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Курбонов, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова яқиндан ёрдам беришмоқда. Бироқ яна шунга айтишим керакики, мумтоз кўшиқлар ижро этишининг ўзига яраша машаққати бор. Бунинг

учун катта овозга эга бўлиш ва сабр-тоқат билан меҳнат қилиш керак. Мумтоз кўшиқнинг нозик томонларини кўн билан астойдил ўрганиб, сўнг ижро этиш ниятидаман.

— **Қайси санъаткорлар билан ижодий ҳамкорлик қилаяпсиз?**

— Ижодимнинг равақ топишида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Дилором Омонуллоева ва бошқа бир қатор санъаткорларнинг хизматлари беқийёсдир. Шу ўринда продюссерим Шахло Худойбергеновнинг ёрдами катта. Улар менга яқиндан ёрдам бериб, қўлаб-қувватлаб, ўз маслаҳатлари билан йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Бу инсонлардан жуда-жуда миннатдорман.

— **2006 йилда «Нихол» мукофотига сазовор бўлдингиз. Шундан сўнг руҳиятингизда, ижодингизда қандай ўзгаришлар бўлди? Ҳар ҳолда бу нуфузли мукофот...**

— Бу мукофот мен учун кўтилмаган воқеа бўлди. Шунинг учун кувончим чексиз. Бу давлат ва халқ томонидан ижодимга берилган юксак баҳо. Шу билан бирга мукофот катта масъулият юкляди. Эндилкида ўз репертуаримни янада кенгайтириб, янгидан-янги кўшиқлар яратишга ҳаракат қилаяман.

— **Бугунги кунда кўпчилик санъаткорлар хоржига бориб, концертлар қўйишга интилишмоқда. Сиз ҳам айрим мамлакатларда бўлиб қайтгансиз...**

— Биз бир гуруҳ санъаткорлар Франция, Исроил, Бельгияда концерт дастурларимизни ўтказдик. Исроилдаги концертимиз бир соатга мўлжалланган эди. Халқ яхши қабул қилганидан концертимиз чўзилди кетди. Биласиз, у ерда фақат жонли ижрода куйлаш шарт. Исроилда биринчи мартаба «Ога, қокир-қокирқа» деган кўшигимни айтганман. Шу кўшиқни куйлаганимда улар менга жўр бўлишди. Бундан

● Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги



«ДОРУЛ ХИКМА»

Республикамизнинг «Олтин мерос» халқро хайрия жамғармаси Хоразмда Маъмун Академияси («Дорул хикма»)нинг 1000 йиллигига бағишлаб «Олтин мерос» номи билан нашр этган илмий-оммабоп, тарихий-маърифий, безакли тўпламининг навбатдаги маҳсус сони ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўз ўқувчилари қўлига теғди.

Унда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Усмонов

бой Жумағалдиев, Хоразм Маъмун академиясининг раиси, Урганч давлат университети ректори Азимбой Саъдуллаев, тарих фанлари доктори Мадррахим Маҳмудов, тарихчи ўлкашунос Альберт Салим-Гареев, «Ибн Сино» халқро жамғармаси ходимлари Зуҳра Ботирова, Замира Раҳимова сингари ўнлаб муаллифлар ўз илмий-маърифий мақолалари билан қатнашиб, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига

Замон АЛИ

● Футбол

СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?



Пойтахтимиздаги «Истиклол» спорт мажмуида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мичи футбол бўйича «Спорт ва О'zbekiston futbol» газеталари соврини учун ўтаётган Олимпикон Акбаров анъанавий хотира турнири давом этмоқда.

Мусобақанинг чорак финал учрашувлари кескин курашлар остида кечган бўлса-да, кутилмаган натижалар қайд этилмади. Ушбу босқичнинг МТРК — «Ишонч» ҳамда ЎзТВ — «Ўзбекистон футбол» жамоалари ўйинларида томошабинлар бир

хил — 4:0 ҳисоби гувоҳи бўлишди. Дастлабки баҳсда Миллий телерадиокорпорация вакиллари, иккинчиси эса мусобақа мезбонлари ана шундай ҳисобда зафар кўчдилар. «Маърифат» ҳамда «Ешлар» телерадиоканалининг «Садо» жамоаси учрашувида омад газетачиларга қулиб бoқди — 7:3. Ярим финалнинг тўртинчи йўлланмаси «Наврўз» FM футболчиларига насиб қилди. Хал қилувчи ўйинда радиочилар «Хонадон» газетаси аъзоларини 4:3 ҳисобда еғди.

Кеча турнир финалчилари номи маълум бўлди. Ярим финалнинг «Маърифат» — МТРК учрашувида тележодкорлар рақиблари дарвозасига жаваб-

МАРАДОНА ГОНДУРАСГА БОРМОҚЧИ ЭМАС

Аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадона гўёки у Гондурас терма жамоасига бош мураббийлик қилишга рози бўлди, деган гап-сўзларга барҳам берди. У мен ҳеч қандай шартнома ҳақида ўйлаганим йўқ ва ҳеч бир расмий вақил билан учрашган эмасман, демоқда. «Умуман, бу масалаларга ойдинлик киритиш керак, — дейди Марадона. — Чунки, мен билан Гондурас томонидан биронта расмий вақил учрашгани йўқ. Мен ҳеч ким билан бош мураббий бўлиш масаласида музокара ҳам олиб бoрмаганман. Сўзсиз, Гондурас халқини ҳурмат қиламан. Агар улар қандайдир эзгу ниятда эканлар, мен улар билан баҳонидил сўхбат қўришим мумкин». Эслатамиз, ўтган ҳафтада Гондурас футбол федерацияси «Марадона мамлакат терма жамоасига бош мураббийликка таклиф қилинмоқда», деган гапни таркатган эди.

ЎЙИН 0:0 ҲИСОБИДА ТУГАДИ

Чемпионлар лигаси учун курашнинг гуруҳ босқичидаги баҳсда «Арсенал» билан ЦСҚА футболчилари ўртасидаги учрашуви муҳлислар узoқ эслаб юришса керак. Айниқса, «Арсенал»га қийин бўлди. Чунки, бу жамоа футболчилари кўпгина имкониятларни бой беришди. Клуб бош мураббийи Арсен Венгернинг ноҳуш қайфиятда юргани ҳам шундан. Ўйин 0:0 ҳисобида тугади. Ваҳоланки, лондонликлар мураббийнинг гапларига қараганда, «Арсенал» камиди дарвозани етти марта ишғол қилиши мумкин экан. «Агар омад юз ўғирмаганда, — дейди Венгер, — учрашув камиди 7:0 ёки 7:1 ҳисобда тугарди. Чунки, лондонликлар дарвозани ишғол қилиш вазиятларини қўлаб юзага келтиришди. Рақиблардан устунлиги сезилиб турди. Армиячилар худди куйи лига жамоаси каби тўп сурдилар. Лекин уларнинг дарвозаси нима учундир «қуруқ» қолди». Тўрт тур ўйинларидан кейин «Арсенал» 7 очко билан иккинчи ва учинчи ўринларни «Порту» билан баҳам кўриб турибди. ЦСҚА ҳисобида эса 8 та очко бор. Зеро, армиячилар устози Валерий Газзаев мамнун: «Бу гал омадимиз келди. Биринчи таймда Милош Крашич ўрнига Евгений Алдонини алмаштирилиши ўз самарасини берди».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларига танлов эълон қилади:

- Эрон-афғон филологияси кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин;
- Япон филологияси кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин;
- Халқро иқтисодий муносабатлар кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин;
- Хоржий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, доцент, 1 ўрин;
- Педагогика ва тиллар кафедраси, доцент, 1 ўрин;
- Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент, 1 ўрин;
- Туркийт кафедраси, доцент, 1 ўрин;
- Халқро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси, доцент, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин;
- Ўзбекистонда демократик жамят қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси, доцент, 1 ўрин;
- Жаҳон иқтисодий, маркетинг ва менежмент кафедраси, доцент, 1 ўрин;
- Хитой филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин;
- Инглиз тили кафедраси (№2), катта ўқитувчи, 1 ўрин;
- МДҲ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин;
- Роман тиллари кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин;
- Табиий фанлар, олий математика ва информатика кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан)
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

700047, Тошкент, Шахрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25. Телефон: 133-44-36.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO'SJONOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Muslihidin MUHIIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovoziluz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalanda.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOLILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1350
7131 nusxada bosildi
t — *Yuzotpat namoqullu*
O'za yakuni — 00.00
Topshirish vaqti — 00.50
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda